



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИНИНГ БОШҚА СОҶАВИЙ ХИЗМАТЛАР ҲАМКОРЛИҚДА БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Рустам Рашидходжаев

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10370676>

ARTICLE INFO

Received: 05th December 2023

Accepted: 12th December 2023

Online: 13th December 2023

KEY WORDS

Ички ишлар органлари, тезкор бўлинмалар, соҳавий хизматлар, ҳамкорлик, босқинчилик жиноятлари, жиноятларни олдини олиш, фаолиятни ташкил этиш.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг бошқа соҳавий хизматлар ҳамкорликда босқинчилик жиноятларини олдини олиш фаолиятини ташкил этиш хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Маълумки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичидан бошлаб иқтисодиётдаги марказлаштирилган маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан воз кечиб, барча мулк шакллариининг тенглигини ва эркин муносабатларга асосланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олди ҳамда хусусий мулк дахлсизлигига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айти вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди»¹.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»²ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, «Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда

¹ Karimov I. A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish – mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. T. 19. – T., 2011. – B. 318.

² Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Барча мулкдорларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароитлар таъминланади».

Шунингдек, мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра, «Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди»³. Мулк ҳуқуқининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шунингдек зарур ҳолларда ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли санкцияларни қўллаган ҳолда бузилган ҳуқуқларни тиклаш заруратини англатади. Мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида тиклаш айбдор шахснинг содир этган қилмиши учун Жиноят кодексида жавобгарлик белгилловчи жиноят таркиби белгиларини тўғри аниқлаш, айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, шунингдек етказилган зарарни ундириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли жиноят қонунчилигида ушбу турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликнинг ўрнатилиши мулкдор ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, моддий неъматларни тақсимлаш соҳасини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи хавфлироқ жиноятларни ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари ташкил қилади. Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш деганда, ҳуқуққа хилоф равишда ўрнини қопламасдан, ғаразгўйлик ниятида мулкдорга зарар етказиб, ўзганинг мулкни айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига эгаллаб олиш ёки ўтказиш тушунилади ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг предметини ўзганинг мулки ташкил қилади. Ўзганинг мулки деганда эса, бошқага тегишли бўлган ашёлар, пуллар, мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи – қўлга киритилиши, мулкни қўлга киритиш билан тенг бўлган ҳужжатлар тушунилади. Мазкур турдаги жиноятлар ичида энг оғир кўринишга эгаларидан бири бу – босқинчилик жиноятидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирини ҳам жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш ҳисобланади. Ушбу масъулиятли ва машаққатли вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари муҳим ўрин тутуди ҳамда ушбу жараёнларни амалга оширишда уларнинг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, эл-юрт ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар органларининг муваффақияти, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – № 39. – 446-м.



Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустақамлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ички ишлар органлари соҳасини такомиллаштириш мақсадида 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги 2833-сонли қарорига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими яратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси сифатида белгилаб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаслик каби эскича ёндашувларга буткул барҳам берилди ва ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек, хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Айтиш мумкинки, босқинчилик жиноятларига қарши курашиш тезкор бўлинмалар билан билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, пробация хизматлари ва бошқа ички ишлар органлари таркибий тузилмаларининг вазифалари ҳисобланади. Лекин, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари босқинчилик жиноятларига қарши курашиш фаолиятини ташкил этишга ва мувофиқлаштиришга бевосита масъулдирлар.

Олиб борилган ўрганишлар асосида айтишимиз мумкинки, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари бошқа соҳавий хизматлар яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари ҳамда тергов органлари билан ҳамкорликда босқинчилик жиноятларини олдини олиш фаолиятида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир:

- босқинчилик жиноятларининг содир этилишига имкон берадиган ёки содир этилишини енгиллаштирадиган сабаб ва шароитларга;
- босқинчилик жиноятларини содир этишга тайёргарлик кўраётган ёки унга суиқасд қилаётган шахсларга;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



- қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни мунтазам равишда амалга оширувчи ҳамда босқинчилик жиноятларини содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган шахсларга;

- босқинчилик жиноятларини содир этган ёки бунга алоқаси бўлган шахслар ва ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишига кўмаклашадиган шахсларга;

- босқинчилик жиноятлари бўйича фактлар, бундай жиноятларнинг амалга оширилганидан далолат берувчи воқеаларга;

- босқинчилик жиноятларини содир этишга мойил бўлган шахсларга ва профилактик ҳисобда турган шахсларга;

- босқинчилик жиноятларини содир этганлиги учун ички ишлар органларига олиб келинган шахсларга.

Шунингдек, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари бошқа соҳавий хизматлар яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробаця хизматлари ҳамда тергов органлари билан ҳамкорликда босқинчилик жиноятларини олдини олишдаги асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир:

- тегишли ҳудудларда босқинчилик жиноятлари билан боғлиқ бўлган криминоген вазиятни ўрганиш ва таҳлилини амалга ошириш;

- босқинчилик жиноятларини олдини олиш ҳамда фош этишда мавжуд куч ва воситалардан тўғри фойдаланиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш;

- босқинчилик жиноятларига қарши курашиш фаолиятини таҳлиллари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид ҳудудий дастурларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- босқинчилик жиноятларини олдини олиш, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ушбу турдаги жиноятларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан тезкор-профилактик тадбирларни амалга ошириш;

- босқинчилик жиноятларини содир этган шахслар ва ушбу жиноятлардан жабр кўрган шахслар ҳисобини юритиш, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш;

- босқинчилик жиноятларини содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларни тезкор-профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш;

- босқинчилик жиноятларини аниқлаш, уларга барҳам бериш ва фош этиш;

- босқинчилик жиноятларини содир қилгани учун қидирув эълон қилинган шахсларни аниқлаш ва топиш мақсадида амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этиш;

- ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари кенг тарқалган жойларда бундай жиноятларга қарши курашнинг мақсадга мувофиқ усул ва шаклларини ишлаб чиқиш;

- босқинчилик жиноятларига қарши курашда тезкор, криминалистик воситалардан, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш;



- тезкор бўлинмаларда босқинчилик жиноятларини содир этиб юрганлар, ўзлаштирилган мол-мулкларни сотиб олувчи шахслар, бундай мол-мулкларни сотиш жойлари ҳақида маълумотларни тизимлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш;

- босқинчилик жиноятларига қарши курашишда тезкор бўлинмалар ва бошқа соҳавий хизматларнинг давлат органлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлигини таъминлаш.

Шу билан бирга ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари бошқа соҳавий хизматлар яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробаця хизматлари ҳамда тергов органлари билан ҳамкорликда босқинчилик жиноятларини олдини олишда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

- тегишли ҳудудларда содир этилган ёки содир этишга тайёрланаётган босқинчилик жиноятлари юзасидан қўзғатилган жиноят ишларини, тезкор маълумотларни ва бошқа мавжуд ҳужжатларни ўрганиш асосида, ушбу жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- босқинчилик жиноятлари энг кўп содир этилаётган жойларга замонавий ахборот коммуникация технологияларини ўрнатиш чораларини кўриш;

- содир этилаётган босқинчилик жиноятларига қарши курашишга оид тажрибаларини ошириш мақсадида доимий равишда мазкур турдаги жиноятларни содир этилиш усуллари, уларни олдини олиш ва очиш тактикаси ҳақида машғулотлар ўтказиб бориш;

- оммавий ахборот воситаларида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда босқинчилик жиноятларининг олдини олиш бўйича радио, телевидение, ва матбуотда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

- босқинчилик жиноятлари кўп тарқалган жойларда ва кўп содир этилаётган вақтларда ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари билан бошқа соҳавий хизматлар ходимларидан тузилган гуруҳлар томонидан рейдларни, тезкор тадбирларни ташкил этиш;

- ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари бошқа соҳавий хизматлар билан доимий равишда яшаш ҳудудидан ташқари бошқа ҳудудларда жиноят содир этувчи шахслар ва талон-тарож қилинган буюмларни сотиб олиш билан шуғулланувчи шахслар ҳақидаги тезкор маълумотларни ўзаро алмашиб туришини ташкил этиш.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари бошқа соҳавий хизматлар яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробаця хизматлари ҳамда тергов органлари билан ҳамкорликда босқинчилик жиноятларини олдини олишда қуйидаги ишларни доимий равишда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

– мазкур турдаги жиноятлар кўп содир этилаётган ҳудудлар, жойлар, объектлар, уларнинг тарқалганлик даражаси, содир этилиш вақти, усули, сабаб ва шароитларини чуқур ўрганиш ва шу асосида уларни олдини олишга қаратилган тезкор-профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– тегишли ҳудудларда тезкор-профилактик тадбирлар (масалан, “ТОЗАЛАШ”) ва бошқа махсус тадбирларни доимий равишда амалга ошириш;



- босқинчилик жиноятларини содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, ушбу шахсларни тезкор-профилактик ҳисобга олиш, уларга нисбатан тезкор-кузатув ўрнатиш ва фаол профилактик ишларни олиб бориш;
- босқинчилик жиноятларини содир этишга мойил шахсларнинг яшаш ва иш жойлари, судланганлиги, ҳаёт тарзи, алоқалари, даромад манбаи, хулқ-атвори, қизиқишлари, оилавий аҳволи ва бошқа маълумотларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тоифаларини аниқлаб, уларга нисбатан тезкор-профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- босқинчилик жиноятлари кўп қайд этилган жойлар ва ҳудудларда содир этилиш вақти ва жойига оид таҳлиллар асосида, ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида жамоат хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўналишларига ўзгартиришлар киритиш;
- босқинчилик жиноятларини олдини олишда юқори самара берадиган йўналишларга ишончли шахсларни ёллашга алоҳида эътибор бериш;
- содир этилган ёки содир этилиши мўлжалланаётган босқинчилик жиноятлари ҳақида ишончли шахсларни зудлик билан хабардор қилишга имкон берувчи турғун алоқа ўрнатиш ҳамда улардан бу ҳақида олинган ҳар бир тезкор хабарни тез ва синчковлик билан текшириб, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- босқинчилик жиноятлари кенг тарқалган ҳудудларда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда жамоатчилик вакиллари ва ушбу ҳудудда яшовчиларга шубҳали шахслар пайдо бўлган тақдирда тўғри қарор қабул қилиш тўғрисида олдиндан йўриқномалар ўтказиш ҳамда уларнинг навбатчилигини ташкиллаштириш;
- босқинчилик жиноятларининг содир этилиш услулари, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳаракатлари, улар томонидан фойдаланилаётган техник воситалар, жиний гуруҳлар тузилиши жараёни ва шароитларини мунтазам равишда таҳлил этиб бориш;
- тезкор-профилактика тадбирлари орқали жиноят содир этишга мойил ёки жиний фаолиятга қўшилишни мақсад қилган шахсларни жиний йўлдан ижобий турмуш тарзига қайтариш;
профилактика ҳисобида турган шахсларни жиний ниятларидан қайтариш мақсадида, уларга назорат остида эканлигини очиқдан-очиқ маълум қилиш.